

## МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА МАЪМУРИЙ ОРГАНЛАР ҚАРОРЛАРИ УСТИДАН АРИЗА (ШИКОЯТ) БЕРИШНИНГ СУДГА ТААЛЛУҚЛИЛИГИ ВА СУДЛОВГА ТЕГИШЛИЛИГИ МАСАЛАЛАРИ.

Кошжанова Дариха Сметовна  
Тошкент Давлат Юридик Университети  
магистранти  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.6798166>

Аннотация: Бу мақолада маъмурий судларда маъмурий орган қарорларин устидан ариза беришнинг судга тааллуқлиги ва судловга тегишлилиги масалалари ташкил этади. Судловлик ва суд органларига тааллуқлик масалалари уз аксини топган ва аниқлик киритилган.

Калит сўзлар: маъмурий суд, судга тааллуқлилик, мансабдор шахс, судловлик

Судловлик тушунчаси икки маънода тушунилади. Судловлик, биринчидан, айрим фуқаролик ишларининг кўрилиши ва ҳал қилиниши суд органларига тааллуқли (тегишли) бўлишини билдиради. Иккинчидан, судловлик, ягона тизимига кирадиган судларнинг (туман, шаҳар, вилоят, республика судларининг) қайси бири муайян маъмурий ишларини кўриш ва ҳал қилишга ваколатли (хуқуқли) бўлишини билдиради.

Давлат хокимияти органи бўлиб кўрилган суд қонун билан ўзига тааллуқли қилинган маъмурий суд ишларинигина кўриш ва ҳал қилишга ҳақли. Бинобарин, судга тааллуқлилик тушунчаси муайян суд органининг ваколатига кирадиган ишларнигина ўз доирасига олади. Бундай кўриладиган ва ҳал қилинадиган ишларнинг доираси суд органларининг бошқа органлар ваколатидан ажратади.

Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг шарт бўлган иштирокчи субъекти давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қатнашади. Маъмурий органлар бошқа шахсларга нисбатан бошқарув, назорат ва бошқа буйсинувга асосланган вазифаларни бажаради. Бундай ишларда қатнашувчи тараф давлат бошқаруви органлари иштирок этади.

Дарҳақиқат, тааллуқлилик институтида, айниқса, ишларни умумий юрисдикция судлари билан маъмурий судларига тегишлилиги масаласида нафақат тадбиркор фуқаролар ўртасида келиб чиқадаган фуқаролик муносабатларидаги иштирокчилар ўртасида улардан ташқари иш кўрувчи судьялар ўртасида ҳам ноаниқликлар, тушунмовчиликлар

келиб чиқмоқда, шу ҳолатларни инобатга олган ҳолда, иқтисодий судларига фақат юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган давлат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқарадиган органлар ўртасида келиб чиқадиган низоли ишларнинг тааллуқли бўлиши, маъмурий судларига эса фуқаролар ўртасида вужудга келадиган барча ҳуқуқий муносабатлар, бир томондан давлат ташкилотлари, иккинчи тарафда фуқаролар иштирок этадиган ишлар, шу жумладан, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг тааллуқли бўлиши бу соҳада вужудга келган нуқсонларни бартараф этишга хизмат қилади.

Тааллуқлилиқ ва судловликнинг белгиланишида биринчи инстанция судларининг ҳуқуқий доиралари назарда тутилди. Ҳозирда қандай маъмурий ишларининг судларга таалуқли бўлишлиги МСИЮтК нинг кўрсатилган тегишли моддалари билан белгиланади.

Маъмурий ишларини судга тааллуқлилигига оид ишларнинг доираси, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши ҳақидаги ҳуқуқий меъёр давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатларига нисбатан шикоят қилиш доирасини кенгайтишига ижобий таъсир кўрсатди, бу ўз навбатида шу туркумдаги судга тааллуқли ишларнинг ҳажмини кўпайтишига ҳам олиб келди.

Маъмурий ишларнинг судга тааллуқлилиги ва судловга тегишлилиги. Судга тааллуқли ишлар. Маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно.

Қонун билан маъмурий судга тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий суд ўзига тааллуқли ишларни фуқаролар, юридик шахслар ва маъмурий органлар, шунингдек ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошираётган чет эл юридик шахслари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим. Шунингдек, ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 27-моддасида маъмурий суд томонидан ҳал этиладиган ишлар кўрсатилган бўлиб, унга мувофиқ :

Суд:

1) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

2) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонунчиликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

3) сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

4) нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

5) давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги;

6) МСИЮТ Кодекснинг 271-моддасида кўрсатилган инвестиция низолари бўйича;

7) МСИЮТ Кодекснинг 272-моддасида кўрсатилган рақобат тўғрисидаги ишларни ҳал қилади.

Суд фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий

муносабатлардан юзага келадиган, қонун билан ўзининг ваколатига киритилган бошқа ишларни ҳам ҳал қилади.

Суд томонидан ҳал қилинадиган ишлар рўйхатида кўрсатилган инвестициявий низолар бўйича ишлар деганда биз қуйдаги ишларни тушинамиз, яъни инвестициявий низолар жумласига инвесторлар билан маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиниши билан боғлиқ қарорларига, ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир ишлар киради.

Шунингдек, МСИЮТ Кодекснинг 272-моддасида кўрсатилган рақобат тўғрисидаги ишлар деганда: Рақобат тўғрисидаги ишлар бўлиб юридик шахслар, шу жумладан чет эллик юридик шахслар, хўжалик бошқаруви органлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва монополияга қарши орган ўртасида товар ҳамда молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган, маъмурий суд судловига тегишли низолар ҳисобланади.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

- 1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2019й
- 2 Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 21.12.1995й
- 3 Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 22.01.2018й
- 4 Маъмурий тартиб-таомиллар тугрисидаги қонун 2018й